
Пенсия тўловларини вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай тартибда мурожаат қилинади.

Пенсия тўловларини вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай тартибда мурожаат қилинади. Пенсияларни тайинлаш ва тўлаш соҳасида Пенсия жамғармасида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда босқичма-босқич аҳолига қулайликлар яратиб келинмоқда. Натижада аҳолининг маълум вақтларини тежаш, ортиқча оварагарчиликларини олдини олиш, қоғозбозлик шаклларида воз кечиш мақсадида тизимда электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчил такомиллаштириб борилмоқда. Шундай ишлардан бири сифатида 01.01.2024 йилдан бошлаб аҳолининг тайинланган пенсия тўловларини вақтинча тўхтатиб туришга электрон шаклда ариза юбориш хизмати жорий этилди. Бунда, фуқаролар Давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу тизимнинг амалиётга жорий этиш орқали аҳоли учун қуйидаги қулайликлар яратилди; 1. Давлат хизматларидан фойдаланишда ҳафтанинг исталган кун ва исталган вақтда ЯИДХП орқали мурожаат этишлари мумкин. 2. Бунда давлат хизматлари кўрсатиш 5 сонияда амалга оширилади. 3. Давлат хизматлари кўрсатишда Пенсия жамғармаси ходимлари иштирок этмайди ва фуқаролар Пенсия жамғармасига боришларига хожат қолмайди. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг мушкулени осон қилиш ва муаммоларини бартараф этиш, вақтларини тежаш учун хизмат қилади. Фуқаролардан эса ушбу хизматдан тўғри ва оқилона фойдаланишларини сўраб қоламиз. Ушбу хизматдан нотўғри ёки тушунмаслик оқибатида фойдаланиш фуқароларнинг пенсия тўловлари тўхтаб қолишига олиб келишини маълум қиламиз. Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи **Ф.Ивадуллаев**

2024-02-17 10:34:16